2004 I-XII

# 2004 йил - МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ


1. (383)

2004 йил 7 январь

Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда


«... ўзи бадавлат яшаб турган пайтда ёнидаги қўшниси йўқчиликка дучор бўлиб, қийналиб кун кечираётганини кўрган, инсофи, виждони бор ҳар қайси инсон хайру эҳсон қилиш билан чекланиб қолмайди. Ёрдамга муҳтож бўлганларга баҳоли қудрат кўмак бериш, уларнинг кўнглини кўтариш билан савобли ишларга қўл уради, бу ишни ўзининг инсоний бурчи деб билади.»

Ислом КАРИМОВ


саҳифада

2 ► Хотиржамликнинг хосияти.
► Мурувватли қўшнилар учун кўрик-танлов.

3 ► Тўмарис эмас, Тўморис!
► Мулк туфайли мажруҳ тақдирлар.

4 ► «Онам ёпган кулчаларни соғиндим!»
► Туяқушлар энди «ажнабий»мас.


Тадбир

## МАҲАЛЛАЛАР ҚОШИДА ҲУНАР КЛУБЛАРИ

**Халқ орасида шундай бир ҳикмат бор: "Ҳунар ўрган, ҳунарда кўп сир, ёпиқ эшикларни очар бирма-бир!"**

**Чиндан ҳам ўқувчи ёшларнинг дарсдан бўш пайтларида ҳунар ўрганиши уларнинг келажакдаги фаолияти учун кўпгина имкониятлар эшигини очади. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги қўшимча таълим мажмуи маъмурияти "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси билан ҳамкорликда еттита маҳаллада ҳунар тўгараклари очганига анча вақт бўлди. Эндиликда маҳаллалардаги ёшлар клублари фаолият кўрсатмоқда.**

- Бу клубларда 1500 нафар ўқувчи-ёшлар касб ва ҳунар сирларини ўрганишяпти, - дейди қўшимча таълим мажмуи директори Гулираъно Абдураззоқова.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика "Маҳалла" жамғармаси, Ўқувчилар саройи, "Оила" маркази билан ҳамкорликда "Мактабдан ташқари муассасалар, оила ва жамоатчиликнинг бола шахсининг ҳар томонлама шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни" мавзуида республика семинар-кенгаши ўтказилди. Ушбу анжуман иштирокчилари маҳаллалар қошида очилган "Мўъжизалар оламида", "Ёшлар" клубларининг иш фаолиятлари билан танишдилар. Шундан сўнг «Маҳаллалар, турар жойларда ўқувчилар ва ёшлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда таълим муассасаларининг ўрни» мавзуида ялпи кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Йиғин иштирокчилари Мирзо Улуғбек туманидаги қўшимча таълим мажмуи томонидан ташкил этилган клублар фаолиятига юқори баҳо беришди.

**ГУЛЖАМИЛА**

# «САЙҚАЛ» НОГИРОНЛАР СУЯНЧИ



Фарғона шаҳрида «Сайқал» савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси ташкил этилганига тўрт йил бўлди холос. Лекин бу ерда ишлаб чиқарилаётган қарийб 22 турдаги халқ истеъмоли молларининг сифат даражасини жаҳон андозаларига тенглаштириш, истеъмолчиларга манзур қилиш учун шу қисқа муддат ҳам етарли бўлди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган 5 хил турдаги велосипедлар, юк аравачалари кўпчилик фарғоналикларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Ҳатто бу маҳсулотларнинг икки тури ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинмоқда. Корхона фаолиятининг алоҳида эътирофга лойиқ жиҳати - бу ерда уч хил турдаги ногиронлар аравачаларининг ишлаб чиқарилаётганидир. Бу аравачалар ногиронлик туфайли ўзгалар парваришига муҳтож инсонлар ва уларнинг яқинлари жонига оро кираётгани шубҳасиз.

- Маълумки, ногиронлар аравачаси яқин-яқингача хориждан келтириладиган ноёб мослама бўлиб, нархи қимматлигидан ундан кўпчилик ногирон кишилар фойдаланиш имконига эга эмасдилар, - дейди корхона раҳбари Абдураҳмон Ниёзов. - Ушбу - Меҳр ва мурувват йилида тақдир тақозоси билан жисмоний имконияти чекланган, кўнгли ярим эҳтиёжманд кишиларимизга қулай бўлсин учун бу аравачаларни ишлаб чиқариш кўрсаткичини ошириб, шу билан бирга таннархини арзонлаштиришни кўзлаяпмиз. Токи ушбу маҳсулотдан нафақат фарғоналиклар, балки юртимиздаги барча эҳтиёжмандлар фойдалана олсинлар.

**Суратда: «Сайқал» савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари Абдураҳмон НИЁЗОВ ва Фарғона вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Наврўзбек РАСУЛОВлар маҳсулотларни кўздан кечирмоқдалар.**

**Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

● «Mahalla» янги йилда

# АССАЛОМ, МУШТАРИЙ!

**Газетамизнинг азиз муштарийлари! Мана, қўлингизда "Mahalla"нинг 2004 йилдаги илк сони. Йилнинг илк сони бошқа йилдагиларидан мазмуни, жиҳозланиши билан қай даражада фарқ қилади, бунга муштарийларнинг ўзи баҳо беришар.**

Аммо биз бир нарсани мамнуният билан айтмоқчимиз: муштарийларимиз сони йилдан йилга кўпайиб бораяпти. Ушбу йилда қайд этилган обуначилар сони ҳам ўтган йилдагига нисбатан анчагина кўпдир. Бу ўринда "Mahalla"нинг ўз фаолиятида асқотишини яхши фаҳмлаб, ўз вақтида обуна бўлаётган асосий муштарийларимиз - фуқаролар йиғинлари ходимлари ва фаолларига тасанно деймиз. Улар газета ўзлари учун, айниқса, фаолиятлари учун керакли восита эканлигини яхши биладилар ва бунга мунтазам равишда ишонч ҳосил қиладилар.

Ушбу йилда "Mahalla"нинг ўз фаолиятлари учун зарурлигини сезишда самарқандликларнинг олдига тушадигани бўлмади. Вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси Таъназберди Қурбонов ўз саъй-ҳаракатлари билан фуқаролар йиғинларининг энг яқин дўсти эканлигини исботлади. Фуқаролар йиғини учун "Mahalla" газетасига обуна уюштиришдаги фидойилигини шундай тушуниш мумкин. Вилоятдаги обуначилар сони ҳар йилгидан икки баробарга кўпайди. "Маҳалла" жамғармаси Пахтачи тумани бўлинмаси раиси, шоир Исмат Санаевнинг бу борадаги ташаббускорлиги билан тумандаги ҳар бир маҳалла газетамизга ўртача 5 тадан обуна бўлди. Шунингдек, вилоятдаги кўплаб туманларда ҳам обуначилар сони ҳар маҳаллада 2-3 тадан бўлди.

Андижоннинг Булоқбоши туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам 40 га яқин обуначимиз бор. Пойтахтимиздаги Сергели тумани ҳам бу йил обуначиларимиз сафини янада бойитишга муносиб ҳисса қўшди. "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Ниғмонжон Шамшиев ташвиқот-тарғиботи туфайли тумандаги маҳаллаларнинг ҳар бирига камида 3 донадан "Mahalla" борадиган бўлди. Ўнлаб газета оладиган маҳаллаларимиз, юзлаб муштарийси бор туманларимиз ҳақида биз обуна мавсуми давомида эълон қилган танловимиз якуни ҳисоботида батафсил тўхталамиз. Уларни муносиб тақдирлаймиз. Ҳа, айтмоқчи, бу танловимиз ғолиблиги даражасида обуна уюштирганлар ўз ҳужжатларини бизга тақдим қиладилар, деб ўйлаймиз. Унутманг, обуна бўлганликни фақат шу ҳудуддан ўтказилган пул тўлов қоғозигина тасдиқлайди. Биз Сизни тақдирлашдан мамнун бўламиз.

Ҳурматли муштарий! Биз юқорида "Mahalla"нинг муштарийси бўлган маҳалла мутасаддиси ёки фаоли билан уни ўқимайдиган ходими ўртасида қандай фарқ бўлиши ҳақида эслатдик. Аммо мамлакатимизнинг кўплаб жойларида бунга эътибор қаратилмаётганлиги ҳам рост. Ҳа, "Mahalla"сиз маҳалла узоқни кўзлай олиши қийин. Йилнинг қолган қисмига обуна бўлишга шошилинг.

**ТАҲРИРИЯТ**



**«Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар Сергели тумани бўлинмаси «Mahalla» газетасига обуна уюштиришда кўрсатган жонкуярлиги учун таҳририят мукофотига сазовор бўлди.**

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат**

## МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИ ТАРАДДУДИ

**Ҳадемай бир гуруҳ ватандошларимиз муборак ҳаж зиёратини амалга ошириш учун Саудия Арабистони Подшоҳлигига йўл олади. Мамлакатимизда бу йилги мавсумда ҳам бўлғуси ҳожиларнинг ҳаж амалларини мукаммал адо этиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Пойтахтимизда Тошкент шаҳри ва вилоятидан ҳаж зиёратига отланган ҳамюртларимиз билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси каби мутасадди ташкилотлар вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда йиғилганларга ҳаж зиёратининг моҳияти, қилинажак амаллар тартиби, хавфсизлик, соғлиқни сақлаш масалаларига оид зарур тавсиялар берилди.

Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги каби мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари зиёратчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**О.НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири**

# Қўшни-қўшнига мурувватли бўлса...

**Диққат: КЎРИК-ТАНЛОВ!**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2004 йил - Обод маҳалла йилининг мантиқий давоми сифатида Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, боқувчисини йўқотган кўп болали кам таъминланган аёллар ва ёлғиз қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш, одамларни бир-бири билан аҳилликка, меҳр-оқибатлиликка, қўшничилик муносабатларини янада яхшилашга, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлашга чақириш мақсадида "ЭКОСАН" Халқаро жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ва «Ўзтелерадиокомпания»си Бошқарувлари *«ҚЎШНИ-ҚЎШНИГА»* шиори остида йил давомида *МУРУВВАТ КУНЛАРИ* ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар.**



"Қўшни-қўшнига" мурувват кунлари доирасида етим-есирларнинг бошини силаган, ногиронлар ва кўп болалик ночор оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатган, боқувчисидан жудо бўлган ва ёлғиз қарияларга ғамхўрлик қилган, қўшниларига меҳр-саховат кўрсатган қўшнилар ўртасида "Энг мурувватли қўшни" кўрик-танлови эълон қилинди.


Газетамизнинг 2-саҳифасида мазкур кўрик-танловнинг Низоми эълон қилинмоқда.


Қорақалпоғистон Республикаси

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**НУКУС. /ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ/. Ёш мусаввирлар ўртасида «Сув ва болалар» мавзуидаги танлов якунланди.**

Германиянинг «Орол болаларига ёрдам» ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган танловнинг мақсади ёш рассомларни рағбатлантириш ҳамда ватанпарварлик, она юрт табиатини асраб-авайлаш руҳида тарбиялашдан иборат эди.

Нукус шаҳридаги 34-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Саида Матчанова ҳамда 12-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулмира Қўсбергенова танлов ғолиби, деб топилди.


Обуна-2004

Mahalla



-Яна нима дейди?

-«Mahalla»га обуна бўлишга ҳеч қачон кеч эмас, - дейди!


● Эрадан эрага...

# ТОМОРҚАДА НОЁБ ТОПИЛМА

**Жиззах шаҳрининг Ўрта Сўлоқли маҳалласида истиқомат қилувчи Ихтиёр Донабоевнинг томорқасидан улкан қадимий хум топилганлиги жуда кўп мушоҳадаларга сабаб бўлмоқда. Бу хумнинг баландлиги нақд бир метру 80 сантиметр бўлса, айланасининг узунлиги бир метру 65 сантиметр келади. Деярли одам бўйи баробар келадиган бу мўъжаз топилмани қадимшунослар зардуштийлар даврида ясалган деб хулоса қилмоқдалар.**

- Бу улкан хум «Остодон» деб аталади, - дейди Жиззах вилояти «Маънавият ва маърифат маркази» раҳбари, профессор Ўрол Носиров. - Унинг тарихи эрамиздан аввалги XII-VIII асрларга бориб тақалади. Ўша пайтларда марҳумлар жасади ана шундай хумларга солиниб дафн этилганлиги тарихдан ҳам маълум. Бу мақбара бунёд этишнинг илк кўринишларидан биридир.

Бир эсга олайлик. Қадим юнон шоири Ҳомер ижодига мансуб «Иллиада» ва «Одессия» достонларида асар қаҳрамони Патроклнинг дафн этилиши тасвирланган. Яъни жангда ҳалок бўлган Патроклнинг жасади ўтда ёқилиб, олтин хумга солинади ва ер остига дафн қилинади. Бундан кўриниб турибдики, қадимги юнон қабилалари бунёд этган олтин хум билан ўлкамиздаги топилма ўртасида қандайдир ўхшашлик бордай. Ёки ўзбек энциклопедиясида зардуштийликнинг куртаклари ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келгани айтилади. Бу эса она заминимизнинг узоқ ўтмишга эга эканлигидан далолатдир. Шунингдек, ушбу нафис топилма қадимда Дизак деб аталган замин қўли гул ҳунармандлар макони бўлганлигининг яна бир исботи. Ахир, асрлар оша улар ясаган хумнинг бус-бутун сақланиб келаётганлигининг ўзи бир синоат-ку.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ, «Mahalla» мухбири.**


Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

*Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.*

**Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.**

*Таҳририят*

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

### ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ЯНГИ КЎРИНИШИ

**Брюсселдаги Европа Иттифоқи (ЕИ) парламенти биносида портлаш содир бўлди. Бомба парламент биносига келтирилган почта бандеролларидан бирига жойлаштирилган экан. Ҳайриятки, ҳеч кимга зиён етмади.**

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, бандероль Европарламент депутати, Европа миллий партияси гуруҳи етакчиси Ханс-Герт Петтеринг номига жўнатилган. Европа миллий партияси Европарламентдаги энг йирик фракция бўлиб, таркибига Италия бош вазири Силвио Берлускони етакчилик қилаётган «Олға, Италия» партияси ҳам киради.

«Ажал бандероллари» Европарламент депутатларига тўртинчи бор жўнатилмоқда. Полиция уларнинг бари Италиядан юборилганини аниқлади. Тахминга кўра, бу ишда Италия анархистларининг қўли бор.

Европарламент биносига келтирилган бошқа бандероллар текширилиши натижасида яна тўртта «почта бомбаси» топилди. Улардан бири Европа халқ партияси вакили Жонатан Эвансга юборилган бўлиб, у ҳам Европарламентнинг нуфузли депутатларидан ҳисобланади.

Айрим хабарларга қараганда, ўтган душанба куни Европарламентдаги Буюк Британия лейбористлари партияси гуруҳи етакчиси Гэрри Титлининг Манчестер шаҳридаги идорасида ҳам портлаш содир бўлган. Котиба бандеролни очганида, портловчи қурилма ҳаракатга келган. У енгил жароҳат олган.

Тергов натижасида Европарламентнинг нуфузли аъзоларига аталган барча «почта бомбалар»и Италиянинг Болонья шаҳридан жўнатилгани аниқланди. Бунинг устига бандероллардаги ёзувлар ҳам бир-бирига ўхшаш бўлиб чиқди. Бу қўпорувчиликни Италия анархистлари ташкил этган, деган фикрни яна бир бор тасдиқламоқда.

Ҳозир Европа Иттифоқи муассасаларида хавфсизлик хизмати томонидан ички текшириш ўтказиляпти.

ЕИ мамлакатлари ички ишлар вазирларининг куни кеча Рим шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида терроргчиликка қарши кураш масалалари муҳокама этилди. Учрашувда халқаро жиноят қидирув полицияси ташкилоти (Интерпол) мутахассислари ҳам иштирок этди.

Қатнашчилар терроргчиликка қарши курашувчи махсус «тезкор гуруҳ» тузишга келишиб олди. Германия, Греция, Испания, Италия, Нидерландия ва Франция мутахассисларидан иборат бу гуруҳ икки ой давомида Европа ҳудудидаги анархистик кайфиятда бўлган унсурларга барҳам бериши керак.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

Сарҳисоб

Фарғона вилояти

# КЕНЖА МАҲАЛЛАНИНГ ИБРАТИ



**“Обод маҳалланинг мазмун ва моҳиятини, миллий қадриятлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли” кўрик-танловининг 2003 йилги якуний республика босқичида Қўқон шаҳридаги Акмал Икромов номли маҳалла фуқаролар йиғини ғолибликни қўлга киритган эди.**

Бу маҳалла шаҳардаги 61 та маҳалланинг энг кенжаси. У 1994 йилда Собир Абдулла номли маҳалладан ажраб чиққан. Янги маҳаллага у ташкил қилинган кундан буён Ҳакимжон Умаров раислик қилади.

Маҳаллада 632 та оила бўлиб, уларда 2210 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунингдек, 70 дан зиёд мулкдор - тадбиркорлар, чеварй уста ва ҳунармандлар фаолият кўрсатади. Уларнинг ҳар бири маҳалла учун жон куйдирадиган фидойи инсонлар.

Оқсоқолнинг елиб-югуриши ва тадбиркорларнинг ёрдами билан ҳашар усулида маҳалла учун янги кўп хонали бино қурилди. Унда фуқаролар йиғини, “Нуроний” жамғармасининг жамоатчилик маркази, хотин-қизлар кенгаши, маънавият ва маърифат, милиция таянч пункти профилактика инспектори ва посбонлар сардори учун алоҳида махсус жиҳозланган хоналар бор.

Маҳалла ўзининг шинам гузарига эга. Унда аҳоли учун ҳамма қулайликлар мавжуд.

Барча хонадонлар табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. Суюқ чиқиндилар марказий канализацияга уланган. Ҳар учта хонадоннинг иккитасида телефон бор. Ҳар учта хонадоннинг биттаси ўзининг шахсий автоуловига эга. 14 та кўчанинг ҳаммаси асфалтланган. 126 жойга ўрнатилган кўча чироқлари маҳаллани нурафшон қилиб туради.

Маҳалла аҳолиси Наврўз ва Мустақиллик байрамлари олдидан ўтказилган ҳашарларда фаол қатнашиб, йўл бўйларига кўплаб манзарали, мевали ва гул кўчатлари ўтказишди. Мухсиний мавзесидаги қаровсиз ҳудуд ўрнида мўжазгина мевали боғ ташкил қилинди.

Маҳаллада аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари изчил амалга оширилмоқда. Фуқаролар йиғини томонидан ҳар ойда кам даромадли оилаларга ногиронлар, қаровчисиз кишиларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

*Ҳар учта хонадоннинг иккитасида телефон бор. Ҳар учта хонадоннинг биттаси ўзининг шахсий автоуловига эга. 14 та кўчанинг ҳаммаси асфалтланган. 126 жойга ўрнатилган кўча чироқлари маҳаллани нурафшон қилиб туради.*

Адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларига, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияга эътиборни кучайтириш, қонунга сўзсиз ички интизом билан риоя этиш, демократик тамойилларни, давлатга, фуқаролик бурчига ҳурмат кўникмасини мустаҳкамлаш маҳалланинг фаолият марказига қўйилган. Бу ишларни амалга оширишда маҳалла фуқаролик йиғинига шаҳар маъмурий органлари ходимлари, институт ва коллежларнинг олимлари ҳамда ўқитувчилар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Уларнинг кўмагида турли мавзулардаги илмий-назарий конференциялар, савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Бугунги кунда айнан маҳалла фаоллари куч-ғайрати билан ҳар хил ҳуқуқбузарликларнинг олди олинаётганини, жиноятлар сони камайиб бораётганини айтиш жоиз.

Раънохон Худойбердиева бошлиқ маҳалла хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан оила тўғрисидаги қонунларнинг аҳамияти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, оилаларнинг тотувлиги, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрни муаммоларига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар кўпайди. “Маҳалла оиладан бошланади”, “Оила ва никоҳ”, “Ёшларни оила қуришга тайёрлаш”, “Қайнона ҳам она”, “Соғлом она - соғлом фарзанд”, “Кийиниш ва муомала маданияти” каби мавзуларда кўрик-танловлар, савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Яқинда маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида фуқаролар йиғини раиси Ҳакимжон Умаров яна раисликка сайланди. Котиб ва бошқа комиссиялар таркиби ҳам илгариги ҳолатда тасдиқланди. Бу уларнинг фаолияти қониқарли эканлигидан далолат беради.

**Қодир ШОДМОНОВ,**
**“Mahalla” мухбири.**
**Суратда: Акмал ИКРОМОВ номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳ.УМАРОВ фаоллар билан.**

Мулоҳаза, муносабат

Тошкент шаҳри

# БЕҲУДА РАҚОБАТ БЕЛ СИНДИРАР

**Бир куни йўлда ёнимда янги машина тўхтади ва ундан яхшигина кийинган дўстим Холбой тушиб келди. У билан бир вақтлар илмий муассасаларнинг бирида ишлаган ва жуда қадрдон бўлиб кетган эдик. Кейинги вақтларда у тадбиркорлик қиламан деб ишдан бўшаган, мен эса ўқитувчиликка ўтиб кетган эдим. Салом-аликдан кейин у сўраб қолди:**

- Ҳали ҳам ўша ерда ишляпсизми?

- Йўқ. Мактабга ўтганман.

- Нега бирор тадбиркорлик билан шуғулланмайсиз? Ойликка яшаш бирмунча қийинмикан, дейман-да. Эркак киши рўзғор учун масъул бўлгандан кейин...

- Мактабда ҳам кимлардир ишлаши керак-ку! Ҳамманинг қўлидан тадбиркорлик келавермаганидек, ўқитувчилик касбини ҳам чидаганга чиқарган. Исо пайғамбарга саҳобалари “Ўқитувчи!” - деб мурожаат қилишар экан. Мавлоно Навоий эса дунёга келиб илм ўрганмасликни ҳаммомга кириб ювинмасдан чиқишга ўхшатганлар.

- Ўзингиз нима иш қилаяпсиз?

- Дўкон ва кафе эгасиман.

Демак, топиш-тутишингиз яхши. Мен бундан хурсандман. Энди турмушда камчилигингиз йўқдир?

- Ҳе, қаёқда дейсиз! Бир ҳовли сотиб олган эдим. Гулзор маҳалласидан. Сизларнинг кўп қаватли уйларингизнинг рўпарасида. Яқинда тўла таъмирдан чиқариб, энг замонавий жиҳозлар билан ясатган эдим. Энди эса устига яна бир қават қўшиш керак. Шу ташвишда юрибман. Бунга маблағ етмай турибди.

Бу маҳалла шаҳарга яқин ва баҳаво бўлганлиги учун у ердаги уйларни тадбиркорлар катта пуллар эвазига сотиб олишга ҳаракат қилаётганларини эшитган эдим. Лекин бир нарсани тушуна олмай сўрадим.

- Нима учун таъмирлашдан кейин иккинчи қаватни қўшишингиз керак бўлиб қрлди? Хоналар етарли эмасмиди?

- Етарли эди. Лекин қўшни ҳовлини бошқа тадбиркор сотиб олиб, эски уйни бузиб юборди.Энди 1,5 қаватли уй қуришни бошлади. Бу уй биткач, унинг уйи олдида менинг уйим кўримсиз ва пачоқ кўриниб қолади.

Мен мириқиб-мириқиб кулар, оғайним эса менга ажабланиб қараб турар эди. Ниҳоят мен дедим:

- Зинҳор бундай қилманг, оғайни! Таъмирлашга сарфлаган пулларингизни ҳайф қилманг! Биласизми, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом дабдабани ёқтирмасдан ҳужрада камтарона яшаб ўтган эканлар.

- Замонасига қараб-да. У вақтда машина ҳам минишмаган, телевизор ҳам кўрмаганлар.

- Тўғри, замонага қараб. Лекин, пайғамбаримиз савдо билан шуғулланган вақтларида қўшни мамлакатларга борганлар ва у ерлардаги, айниқса Яқин Шарқдаги ҳашаматли биноларни кўрганлар. Лекин у муҳтарам зот одам ўзига керагидан ортиқчасига даъво қилиши керак эмас, деб ҳисоблаганлар ва камтарона яшаб, бойликларини етим-есирларга, бева-бечораларга улашганлар.

- Майли, ўйлаб кўраман, - деди у менга ўйчан боқиб.

Шу бўлиб ўтган суҳбатдан бир йилча вақт ўтар-ўтмас мен олтинчи қаватида яшайдиган уйнинг рўпарасида - Гулзор маҳалласида учта уй олдинма-кетин, қатор ёнма-ён қад кўтарди. Олдин 1,5 қаватли уй, кейин 2, ундан ҳам кейин олдингисидан ҳам ҳашаматлироқ ва баландроқ 2,5 қаватли уй. Бу уйлар ёнидаги эски уйлар деярли кўзга ташланмасди. Қойил! Мен анчадан бери ваннадаги кранни алмаштира олмай юрибман-у, улар қисқа вақтда шунча иш қилиб юборибдилар-а!

Яқинда оғайнимни кўриб қолдим. Унинг ёқимтой чеҳрасида хомушлик бор эди. Салом берсам, истамайгина қўлининг учини чўзди. Шунда мен унинг қўлидаги экземага кўзим тушиб, сесканиб кетдим. У нима учун қўл чўзишдан ийманиб турганлигини тушундим. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

- Чамамда маҳаллангизда уй солиш бўйича ким ўзар пойгаси бошланди, шекилли? - деб сўрадим мен.

- Ҳа, мен икки қаватли уй солганимдан кейин, қўшни ҳовлини сотиб олган учинчи тадбиркор эски уйни бузиб менинг уйимдан ҳам баланд қилиб уй солди, - деди ғижиниб Холбой.

- Маҳаллангиз Гулзор эмас, Ким ўзар маҳалласи бўлибдида. Энди, сиз ҳам уйингизни янада баландроқ қилсангиз керак?

- Йўғ-ей! Бу осон иш эмас. Қўлимдаги экземани ҳам шифокорлар асаб чарчашидан дейишди. Хотиржамлик ҳам керак шекилли. Пайғамбаримиз ҳақ эканлар, одам ўзига керагидан ортиғига даъво қилмаслиги керак экан.

Биз хайрлашдик. Кўнглимдан:

“Қизиқ бундан кейинги тадбиркорнинг уйи қанақа бўлар экан?” - деган савол ўтди.

**Ирисали ХИДИРОВ**



*Ўзбекистон хорижликларни қизиқтирмоқда*

Фикр

# ЙИҒИН МУЛК ЭГАСИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

**Таклиф: маҳаллаларимизда тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиш учун махсус низом зарур**

Бутун мамлакатимизда олиб борилаётган устувор йўналишлардан бири, бу фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг конституциявий асосларини яратишдир. Иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий соҳаларда амалга оширилаётган бу борадаги барча ислоҳотларнинг пировард мақсади инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Яқинда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Республика Президенти Ислом Каримов томонидан 2004 йил “Меҳр ва мурувват йили” деб эълон қилинди.

Бизнингча, меҳр ва мурувват деганда том маънода аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини муҳофаза этиш тушунилади. Табиийки, бу жараёнда маҳаллаларимизнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлади. Улар нафақат давлат томонидан фуқаролар ижтимоий ҳимояси учун ажратилган маблағларни тарқатиш, қолаверса, ўзларининг тадбиркорлик фаолияти орқали топган пулларидан кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам сифатида бериши мумкин. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ички сиёсатимиздаги энг муҳим йўналиш бу либераллаштириш (эркинлаштириш)дир. Бунда, хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, ишбилармонлар ва тадбиркорлар фаолиятига кенг йўл очиб бериш...” зарур.

Маълумки, янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси белгилаб берилган. Бунда маҳаллалар давлат томонидан берилган маблағлар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан ташқари мазкур Қонуннинг 23-моддасида белгиланганидек: “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қурилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мол-мулк уларнинг мулки ҳисобланади”, - деб маҳалла мулк эгаси сифатида кўрсатиб ўтилган.

Демак, бу ўринда кўриниб турибдики, маҳаллалар ҳам ўзларига тегишли мулкдан фойдаланиб молиявий маблағларини кўпайтириб боришлари мумкин. Фикримизча, бунинг учун “Маҳалла тадбиркорлиги” Низомини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, бунинг учун тажрибали ҳуқуқшунос назариётчи ва амалиётчи олимлар, иқтисодчиларни жалб этиш лозим бўлади. Ана шунда ҳар бир маҳалла ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлаб, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган инсонларга ғамхўрлик қилган ва Меҳр ва мурувват йилидаги эзгу ниятларимизни амалга оширишга катта ҳисса қўшган бўлар эди.

**Кувончбек ҚОДИРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

## «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ, «ЎЗТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ»СИ

# «ЭНГ МУРУВВАТЛИ ҚЎШНИ»

## Республика кўрик–танловининг

# НИЗОМИ

### *Кўрик–танлов мақсади*

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2004 йил - Обод маҳалла йилининг мантиқий давоми сифатида Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинди.

Дарҳақиқат, бирор жонзот йўқки, меҳр мурувватга муҳтож бўлмаса. Бировга меҳр кўрсатиш, мурувватли бўлиш қанчалик савобли ва шарафли иш эканини ҳис қилган ҳолда, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, боқувчисини йўқотган кўп болали аёллар ва ёлғиз қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш ишларига жамоатчилик эътиборини қаратиш, одамларни бир-бири билан аҳилликка, меҳр-оқибатлиликка, қўшничилик муносабатларини яхшилаш, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлашга чақириш. Булардан ташқари, етим-есирларнинг бошини силаш, ногиронлар, кўп болалик ночор оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатиш, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган қарияларимизга ғамхўрлик қилиш борасидаги асрлар давомида сақланиб келаётган миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, шунингдек, ёшларимизни меҳр-мурувватли, нафақат инсонга, балки барча табиат инъомларига эътиборли бўлишга чорлаш мурувват кунларининг асосий мақсадларидан биридир.

### *Кўрик-танлов босқичлари*

Кўрик-танлов икки босқичда ўтказилади:

- 1-босқич Наврўз ойида якунланиб, ғолиблар аниқланади ва «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг махсус Дипломи ва совғалари билан тақдирланади.
- 2-босқич Ийд рамазон ойида якунланиб, ғолиблар аниқланади ва «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг махсус Дипломи ва совғалари билан тақдирланади.

### *Кўрик–танловни ўтказиш тартиби*

1. «Энг мурувватли қўшни» кўрик-танлови 2004 йил январь ойидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча маҳаллалар ва кўп қаватли

(1)

уйлардан ташкил топган маҳаллаларда ўтказилади.

2. Кўрик-танлов “ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, “Ўзтелерадио” компанияси вакилларидан иборат Ташкилий қўмита томонидан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла”, Нуроний», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари ва бошқа ташкилотларни кенг жалб қилган ҳолда ташкил қилинади.

3. Моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож қўшниларига меҳр ва мурувват кўрсатган қўшнилар Ташкилотчилар томонидан аниқланиб, уларнинг меҳр ва мурувват кўрсатиши ҳақидаги маълумот туман (шаҳар) Комиссиясига тақдим этилади.

4. Кўрик-танловнинг туман (шаҳар) ғолиби аниқланиб, улар ҳақидаги маълумотлар, фото ва видеолавҳалар туман (шаҳар) ташкилий қўмиталари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилий қўмиталарига тақдим қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилий қўмиталари ғолиб деб топган қўшнилар ҳақидаги маълумотлар Республика ташкилий қўмитасига юборилади.

### *Ғолибларни аниқлаш шартлари:*

1. Меҳр ва мурувватли қўшни ҳақида умумий маълумот (шахси)
2. Ночорроқ оилаларга, етим-есирларга, қаровчисини йўқотган серфарзанд оилаларга, ёлғиз қарияларга, умуман ёрдамга муҳтож қўшниларига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш. Жумладан:

- ёрдамга муҳтож қўшниларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- қўшниларига таъмирлаш-тузатиш ишларида кўмаклашиш;
- қўшниларига сув ва газ ўлчагичлари ўрнатишда ёрдам бериш;
- Ҳайит ва бошқа байрамларда ёрдамга муҳтож қўшниларига мурувват ёрдамлари кўрсатиш;
- маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар жойлашган маҳаллаларда болалар майдонлари ташкил қилишда кўмаклашиш;
- қўшниларининг хонадонларига ичимлик суви қувурлари олиб кириш ва канализация тармоғига уланишда ёрдам бериш;
- қўшниларни жалб қилган ҳолда ҳашар йўлида ташландиқ ерларни тозалаш ва гулзору боғлар яратиш;
- тўй-маъракаларда, бетоб бўлиб қолганда қўшниларга баҳоли кудрат ёрдам бериш;

(2)

- газ, сув ва бошқа тўловларга ёрдам бериш;
- қишга тайёргарлик ишларида кўмаклашиш ва бошқалар.

3. Кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари жойлардаги Ташкилий қўмиталар томонидан аниқланиб, ғолиб ҳақидаги маълумотнома ва унинг саховат кўрсатиш фаолиятига оид фото ва видеолавҳалар илова қилинган ҳолда кўрик-танловни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитасига (700000, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 1-уй, «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси) юборилиши лозим.

### *Кўрик-танлов ғолибларини аниқлаш тартиби ва муддатлари*

Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «ЭКОСАН» жамғармаси, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг жойлардаги бўлимлари ва вилоят телерадиокомпаниялари вакилларидан иборат Ташкилий қўмиталар томонидан Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Меҳр-шафқат ва мурувват» жамғармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида қўшнилар ўртасида ўтказилиб, 1-босқич ғолиби ҳақидаги маълумотлар 5 апрелгача, 2-босқич ғолиби ҳақидаги маълумотлар Рамазон ойининг 20 кунига қадар Республика ташкилий қўмитасига юборилиши лозим. Бунда туман ва шаҳарларда мазкур Ташкилий қўмиталар томонидан ишчи гуруҳлар ташкил этилади ва улар кўрик-танловда қатнашувчиларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатадилар.

### *Кўрик-танлов ғолибларини рағбатлантириш*

«Энг мурувватли қўшни» Республика кўрик-танловининг ҳар иккала босқичи ғолиблари “ЭКОСАН” Халқаро жамғармасининг дипломи ва махсус совринлари ҳамда ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлат элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг совғалари билан тақдирланадилар. Шунингдек, «Энг мурувватли қўшнилар» фаолияти телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ҳамда матбуот орқали кенг ёритиб борилади.

(3)

Наманган вилояти

Янги йилда —

## ПОПДА ТРОЛЛЕЙБУСЛАР ҚАТНАЙ БОШЛАЙДИ

— Поп катта имкониятларга эга туман. Бутун мамлакатга машҳур саноат корхоналаримиз бор, оз эмас беш юздан зиёд янги замон одамлари — фермерларимиз бор. Ҳалол, меҳнаткаш, меҳр-оқибатли халқимиз бор. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарсак, шу юрт учун, ўз шаҳримиз, ўз қишлоғимиз, ўз маҳалламиз учун фидойи бўлсак, албатта яхши ниятларимизга етамиз. Поп мамлакатимиздаги энг гўзал, энг обод афсонавий шаҳарга айланади. Ўша биз орзу қилаётганимиз троллейбус ҳадемай Попнинг кенг, равон, оромижон йўллари бўйлаб қатнай бошлайди.

Бугунги кунда Попга борган кишининг кўз олдига дастлаб улкан қурилиш майдони келади. Ободончилик, саришталик, йўлсозлар иши! — Буларни амалга оширишда «Попликман» деган ҳеч қайси киши четда тургани йўқ.

Ортиқали НОМОЗОВ

Тарихдан тариқдек тадқиқот

**Тарих ҳақида кўп китоблар ёзилган. Лекин шунга қарамай унинг ҳамма саҳифалари битилган, деб бўлмайди. Хусусан кўҳна тарихга назар ташласак, унда рангин саҳифалар кўп бўлиб, уни ўрганишнинг йўллари ҳам турличадир. Шу жумладан унинг баъзи муаммолари юзасидан айрим тахмин ва ўйларни билдириш ҳам гоҳо фойдадан холи эмас. Зотан, бу тахминлар орқасидан тарихий ҳақиқатлар очилиши эҳтимоли ҳам бор.**

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

# ТАРИХ ВА ТАХМИНЛАР

### 1.ТЎМОРИС ВА ТЎМОР ҚИШЛОҒИ

Баъзан тарих қаърига шунғиб, хаёлларга берилишнинг ҳам ўз гашти бор. Масалан, Европа ғарбида жойлашган энг катта тоғ тизими Алп тоғлари деб аталади. Бу ўриндаги "Алп" сўзи луғатларда кельт тилидан олинган, - деб изоҳланади.

Лекин эрамизнинг 2-4 асрларида ҳунлар Кавказ, Яқин Шарқ мамлакатларига юриш бошлаб, сўнг Европанинг катта қисмини эгаллагани, уларнинг ярмидан кўпини Марказий Осиёдан келган туркий халқлар ташкил этгани маълум. Бинобарин, Алп тоғларининг номи туркий тилдан олинган ва "паҳлавон", "қаҳрамон", "улуғ" деган маъноларни англатади, Алп сўзидан олинган эмасмикан деб ўйлайман.

Майли, биз бу масалада жуда узоққа бормайлик. Фарғона вилоятининг Данғара туманида Тўмор деган қишлоқ бор. Бу қишлоқ ёнидан ўтганимда ҳар сафар халқимизнинг Тўморис афсонаси ёдимга келади. Маълумки, бу афсона (ёки ривоят) бизга машҳур қадим юнон тарихчиси Геродотнинг "Тарих" китоби орқали етиб келган. Унда ҳикоя қилинишича, қадимги Эронда Ахомонийлар давлатига асос солган Кир мелоддан аввал - 553 йили Мидияга қарши курашиб, эроний қабилаларни бирлаштиргандан сўнг, тажовузкорликни давом эттириб, 530 йилда катта қўшин билан Ўрта Осиёга бостириб келган.

Бу даврда Ўрта Осиёда Тўморис исмли аёл-подшо "Массагет" деган қабилаларни бирлаштириб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган эди. Тўморис ғоят доно ва жанговор подшо бўлиб, Кир қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатади, ҳатто жангда Кирни қўлга тушириб, ўша ернинг ўзида ўлдиртиради. Геродот ёзишича, у Кирнинг бошини қон билан тўлдирилган мешга тиқиб:

- Сен умр бўйи қонга тўймадинг! Мен ўз онтимга амал қилиб, сени қон билан суғордим. Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу! - деган.

Ўша замонларда Тўмориснинг номи тилларда достон бўлган. Тўморис ҳақидаги маълумотлар эса бизгача Геродот тилга олган достон орқали етиб келган. Аммо Тўмориснинг қаерда салтанат қургани, Кир билан қаерда тўқнашгани, ўзи ҳам қаерда вафот этиб, қаерда дафн этилгани тўғрисида биз ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

Тўмор қишлоғи эса Данғара туманининг шимолида, Сирдарёнинг чап томонида жойлашган бўлиб, шу ҳудуддан қадим савдо йўли ўтган, қадим Ахсикент шаҳрига эса бу ердан узоғи билан 100 чақирим. Бу қишлоқ номи яъни "Тўмор" сўзининг "Тўморис" сўзига алоқаси йўқмикан?" - деган фикр хаёлимдан ўтиб туради. Бу сўзни Геродот "Тўморис" шаклида қўллаган. Геродот ижод қилган юнон тилида "-ис" қўшимча маъносида келади. Масалан, Абдураҳмон Жомий ўз асарларида Аристотел сўзини баъзан "Аристотелис" шаклида келтиради. Бинобарин бу сўзнинг ўзаги, асосий шакли "Тўмор" шаклида бўлган.

Бинобарин, "Тўморис афсонаси"нинг қаҳрамони шу манзиллардан ўтган ёки шу ерларда яшаган, қаҳрамонлик кўрсатган ва вафот этган бўлса ҳам ажаб эмас. Халқ эса ўз қаҳрамонларининг номларини жойлар номи билан атагани ҳаммага маълум.

### 2."ҚИЁЛИ-БОҒЧАМ!" Бу иборани Жомий айтмаганмикин!

Данғара туманидаги Тўмор қишлоғи ғарбида мен туғилган Қиёлиқум қишлоғи жойлашган. Уни баъзилар "Қиёли", баъзилар "Қиёлиқум" деб ҳам аташади. Бу қишлоқнинг тарихи ҳам узун бўлиб, унга бир кунга меҳмон бўлиб келиб, ўн кун қолиб кетган одамлар кўп бўлган. Одамлари аскияни яхши кўради, илм-маърифатдан ҳам унча узоқ эмас.

Лекин бу қишлоқда, эсимни танибманки, бир гап юради. Эмишки, бу қишлоқда ўз даврида машҳур аллома ва шоир Абдураҳмон Жомий меҳмон бўлган эмиш. Бу воқеа ёз пайтида, мевалар ғарқ пишган бир вақтда юз берган, қишлоқ одамларининг меҳмоннавозлигидан, мева-чевага бойлигидан у киши хурсанд бўлиб, бир йиғилишда муборак оғизларидан қишлоқ ҳақида: "Қиёли-боғчам!" - деган таъриф, мақтов юз берган. Бу ибора эса ҳамон қишлоқ одамларининг оғзида... Шахсан бу гапни менга шу қишлоқнинг домласи, марҳум Усмон-Махсум қишлоғимизни мақтамоқчи бўлсалар, оғизларини тўлатиб: - "Ҳасти (Ҳазрати) Жомий "Қиёли боғчам!" - деган эканлар: - деб қўяр эдилар.

Бир қараганда, Ҳирот, Абдураҳмон Жомий қаердалару, яқингача атрофи қум ва чўлдан иборат Қиёлиқум қаерда! Қишлоқнинг ўзи ободликка обод, қадимийликка қадимий.

Бироқ ҳаётда қандай тасодифлар бўлмайди! Тўғри, Абдураҳмон Жомий ҳаётларининг кўп қисмини Ҳиротда ўтказганлар. Ўқиш вақтида эса у киши ўша аср 40-йилларининг иккинчи ярми ва 50-йилларнинг биринчи ярмида Самарқанддаги - Улуғбек мадрасасида таълим олганлар. У киши ўз даврининг энг машҳур мутасаввифи, тошкентлик Хожа Аҳрор билан яқин дўст бўлиб, 70-йилларнинг ўрталарида Тошкент ва унга яқин - Боғистонда Хожа Аҳрорнинг тоғаси - ҳазрат Умар билан ҳам учрашганлар. Боғистон сафаридан у киши Самарқанд-Ҳиротга Тошкент орқали эмас, тоғ ошиб, Ашт, Исфара, Хўжанд орқали кетган бўлишлари мумкин. Бизнинг қишлоғимиз - Қиёли эса Ашт-Кўқон-Исфара йўлида. Шунда улар ўз ҳамроҳлари билан Қиёли қишлоғида бир ёки бир неча кун тўхтаган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Тарих фанлари номзоди Зокиржон Кутибоев эса "Дарёйи раҳматиға ғарқ қилғай (Хожа Аҳрор замондошлари нигоҳида)" деган мақоласида Жомийнинг 1479 йилда (ҳижрий-884) Хожа Аҳрор билан Андижонда бўлгани, "дилкаш суҳбатлар" қурганини ёзади ("Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар", Т: "Ўзбекистон", 1994, 260-са.).

Бинобарин, халқ орасида юрган гаплар одатда тасодифий гаплар бўлмай, ҳаётда, тарихда маълум бир ўз асосларига эга бўлиши мумкинлигини кўзда тутиш керакка ўхшайди.

Олам турфа



### КОМПЬЮТЕР КЎЗ

**Япон муҳандислари яратган янги қурилма поезд йўлларидаги турли кўнгилсиз ҳодисалар, тўқнашувлар олдини олишга жуда катта ёрдам беради. Қурилма инфрақизил нурда ишлайдиган камерадан иборат бўлиб, тунда ҳам кўриш имконини берибгина қолмай, йўлда турган 1 километр узоқликдаги одамлар, ҳайвонлар, машиналар, хуллас, ҳарорати бўйича ҳаводан 0,15 даража фарқ қиладиган жамики нарса тасвирини локомотивнинг олдинги ойнасига чизади.**

**Муаллифлар фикрича, бу янгилик Япония темир йўлларидаги тўқнашувларга мутлақо барҳам беради. Ахир ҳозир мамлакат темир йўлларида йилига камида 200 га яқин фожеа рўй беради.**

### СОЧ ҲАМ ЯНГИЛАНИБ ТУРАДИ

**Фанда кўп нарса исботланган ва аниқланган. Шунингдек, бошда қанча соч бўлиши ҳам. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, бошимизда 125 мингга яқин соч толаси бўлиб, умримиз давомида 1,5 миллиони тушиб, қайтадан чиқади. Бошнинг бир квадрат сантиметр жойида 346 дан 460 донагача соч бўлади. Шундан 308-426 таси узун ва ўрта, 28-34 таси тук ҳолда бўлади. Битта соч 50 кундан 150 кунгача яшайди. Бироқ аёлларники бир неча йил умр кўради. Аёлларнинг сочи эркакларникига қараганда анча тез ўсади, айниқса, 15 дан 30 ёшгача бўлган даврда. Ёш ўтган сари соч ўсиши секинлашиб боради, шунингдек, сочнинг йўғонлиги ингичкалашади, пишиқлиги йўқолади ва сийраклашади.**

**50-60 ёшга борганда аёлларда ҳам, эркакларда ҳам соч ўсиши сезиларли даражада секинлашади. Агар организм соғлом бўлса, тепа сочлар кунига 0,3-0,4 миллиметрга (бошнинг қолган қисмларида секинроқ) ўсади. Бир кунда 40-60 та соч тушиши нормал ҳол ҳисобланади. Бу тушган сочларнинг ўрнига янгиси ўсиб чиқади.**

Дилноза ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

## САХОВАТЛИ СОЛИХЎЖА АКА

Тошкент вилояти

Тошкент вилояти Зангиота тумани Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Солихўжа Норхўжаев саховатпешаликда азалдан ном чиқарган инсон. У киши ака-укалари билан ҳамжиҳатликда йиғин учун ўз жамғармаси ҳисобидан гузар қуриб маҳалладошларининг таҳсинига сазовор бўлган.

Айни кунларда оқсоқол бошчилигида маҳаллада меҳр-мурувват кўрсатиш борасида ишлар янада авж олди. Яқинда маҳалладаги 118 нафар эҳтиёжманд оилага катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди, қаровчисиз қолган кишиларга байрам совғалари улашилди.



**Суратда: Солихўжа Норхўжаев маҳалладоши билан.**

Тошкент шаҳри

# САМАРҚАНД ДАРВОЗАСИ

*Унинг рамзий қиёфаси қайта тикланди.*

**Тошкент асрлар давомида Марказий Осиёнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлиб келган. Қадимдан унинг 12 та дарвозаси бўлиб, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Тахтапул, Лабзак, Қорасарой, Соғбон, Чиғатой, Кўкча, Қўймас, Кўқон, Қашқар деб номланган дарвозалар орқали шаҳарга кириш ва чиқиш таъминланган. Уларнинг деярли ҳаммаси узоқ мамлакатларга, қўшни шаҳарларга ҳамда Тошкент ташқарисидаги дала мавзеларига олиб борадиган катта йўллар устида жойлашган.**

Тошкентнинг мана шу ўн икки дарвозасидан бири - Самарқанд шаҳри томон чиқадиган карвон йўлининг бошида қурилгани учун ҳам шу ном билан аталган. Қадимшунос олимларимизнинг аниқлашларича, Самарқанд дарвозаси деворининг ости (пойдевори)га қалин қилиб қамиш қўйилган ва шунинг натижасида пахса деворга нам ўтмаган ва девор асрлар давомида яхши сақланган. Самарқанд дарвоза пахса девори тўртбурчак хом ғиштдан кўтарилган бўлиб, қалинлиги 4,5 метр, баландлиги эса 6-7 метрни ташкил этган. Дарвоза қаттиқ ва мустаҳкам ёғочдан ясалиб, сиртига тунука қопланган. Дарвозанинг бир жуфт темир ҳалқаси ва номи ёзилган калити ҳам бўлган. Дарвозани мудофаа қилиш шу маҳаллада яшовчи аҳоли зиммасида бўлган. Дарвозадан шаҳарга кирувчи ва чиқувчи от-арава ҳамда юк ортилган туяли кишиларни қайд қилиб турувчи назоратчи-закотчи бўлиб, кирувчилардан закот олиб турган. Самарқанд ва Бухоро томонларга олиб борувчи йирик савдо йўллари устида қурилган Самарқанд дарвозаси энг серқатнов бўлиб, XIX асрнинг ўрталарида бу дарвоза орқали бир кунда 300-400, бир йилда эса 15-17 минг туя мол ўтиб турган.

Аммо минг афсуски, XIX асрнинг охирларида шаҳарнинг 12 дарвозаси қаторида Самарқанд дарвозаси ҳам Чор мустамлакачилари томонидан бузиб ташланган эди. Бироқ бу билан Самарқанд дарвоза номи бутунлай, номнишонсиз йўқолиб кетмади. Унинг номи билан аталиб келинаётган маҳалла ва кўча бугунги кунгача мавжуд.

Мустақиллик туфайли қадимий қадриятларимизга эътибор кучайди. Жумладан, Самарқанд дарвоза маҳалласининг марказий қисмидаги Самарқанд дарвозаси ҳам қайта тикланди. Дарвозанинг лойиҳаси Тошкент шаҳар меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг қурилишида "Олимп" қўшма корхонасининг ёрдами катта бўлди. Улар бу улкан қурилишга 80 тонна металл конструкция, қурилиш материаллари етказиб бердилар. Бу хайрли ишда маҳалла аҳли ҳам четда тургани йўқ. Рамазон Мусаев, Толиб Ҳакимов ва бошқалар ўз маблағлари ва меҳнат кучлари билан доимо мададкор бўлиб турдилар. Бу салобатли ва мустаҳкам дарвозани қуришда Хиванинг таниқли қўли гул бинокор усталарининг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Янгидан қад ростлаган дарвозанинг баландлиги 21 метр, эни 27 метр, транспорт ҳаракат қиладиган қисми 12 метр бўлиб, икки ёнидан йўловчилар учун 4 метрлик йўлаклар ҳам ажратилган. Самарқанд дарвозасининг рамзий тикланиши кўп эзгу ишларга дебоча бўлмоқда, - дейди дарвоза қурилишида бош-қош бўлган маҳалла фаолларидан бири Абдухалил ҳожи ота Набиев.

Мустақиллик йилларида Самарқанд дарвоза маҳалласининг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бу ерда янги замонавий турар жой бинолари, маиший хизмат корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир маҳалла ҳудудида мактаб, боғча, масжид, бозорча, баққоллик, қассоблик ва бошқа дўконлар, чойхона, ошхона, новвойхона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш, тиш даволаш масканлари халқ хизматида. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги хонадонлар газлаштирилиб, телефон алоқалари ўрнатилган. Маҳалла фаолларининг кўмагида Обод маҳалла йилида Самарқанд дарвоза маҳалласида ҳам талайгина хайрли ишлар амалга оширилди.

Ўз уйимизни, маҳалламизни янада кўркам, обод, бахтиёр инсонлар яшайдиган гўзал масканга айлантириш барчамизнинг бурчимиздир, - дейди маҳалла оқсоқоли Зикрилла ака Самиғжонов.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Эссиз одамлар...

**Аёлнинг орқасидан югурганча етиб келган икки забардаст йигит кутилмаганда уни чинор барглари тўшалган йўлакчага ётқизиб олиб роса дўппослашди. Бу кор қилмади шекилли, пичоқларини қинидан чиқариб аёлнинг дуч келган томонига санча бошлашди. Улар ақлини буткул йўқотган телбаларча ҳаракат қилишарди.**

# МУДҲИШ ФОЖЕА

У туфайли ёш аёл умри хазон бўлди, ака-укалар қамоқда, вояга етмаган қизча етим қолди.

Атроф томошабинлар билан тўла. Бироқ йигитларнинг қўлини орқага қайириб уларни жиноят йўлидан қайтарадиган мард топилмайди.

Атроф, йўлакча, чинор барглари қонга бўяди. Одам калласи жасадидан узиб олинди. Наҳот!..

Маҳматўра бобо бир этак бола-чақали эмасми, "бирор кунимга ярар" деган яхши ният билан ўзи яшайдиган ҳовли атрофидаги сойликни текислатиб, қўшимча хоналар қурмоқни ният қилди. Аммо бу дунёда сенинг айтганинг бўлмас экан, режаси амалга ошмай бандаликни бажо келтирди. Отамиз бошлаган иш чала қолмасин деб қурилишни ўғиллари, аниқроғи кенжаси Зарип давом эттирди. Икки хона тикланиб, ҳовли ўраб олинди.

Бу орада тўнғич ўғил Ориф уйланиб қизчалик ҳам бўлди. Турар жойда бироз танқислик сезилди. Иқлим хола болаларини чақириб маслаҳат солди:

- Кўриб турибсизлар, анча қисилишиб қолдик. Агар рози бўлсанглар Зарип қурдирган уйга акаларинг болалари билан кўчиб ўтса. Ахир унинг ҳам пешонасига уй-жой битилгандир, вақти соати билан ўзи қуриб олар.

Онанинг гапларига ҳеч ким эътироз билдирмади. Ориф янги уйга кўчиб ўтди. Кейинчалик уни ўзига расмийлаштириб ҳам олди. Кейинги вақтларда касалланиб, кундан-кунга оғирлашиб қола бошлади. Қилинган муолажалар сира фойда бермади. Хотини Раъно - бева, қизи - Шалола ярим етим қолди.

"Тешик мунчоқ ерда қолмайди" деганларидек, орадан бирор йиллар ўтгач Раъно Яккабоғ тумани "Ҳақиқат" жамоа ширкат хўжалигининг Учтепа қишлоғида яшовчи Кўзи Жўраевга турмушга чиқди. Бор алғов-далғов, жанжал, келишмовчилик ана шундан сўнг, Раъно яшаб турган уйини 400 минг сўмга сотиб, эриникига кўчиб кетгандан кейин бошланди.

- Отамиздан қолган ерни, уй-жойни сотишга унинг қандай ҳадди сиғди, - деб жазавага тушди Ҳусан.

- Уй-жойни мен қурганман, менинг билак кучим, маблағим сарфланган, - дея мушт кўтариб чиқди Зарип.

- Уй эримнинг номида, унинг эгаси менман, сотаманми, бировга ҳадя қиламанми бу менинг шахсий ишим, - сўзида туриб олди Раъно.

Ойлар чўзилган тортишув охир судга етиб келди. Ҳовлининг янги эгаси кўчиб келмасданоқ Зарип кўч-куймани билан уйга кириб унга эгалик қилди. Шундан сўнг Раъно ўзи яшаб келган уй-жойни олиб беришни сўраб ариза билан Яккабоғ тумани прокурорига мурожаат этди. Прокуратура Ҳ.Ҳайитов ҳамда З.Ҳайитовларни уйдан мажбурий тартибда чиқариш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судига даво аризаси киритди.

Суд 2003 йил 9 сентябрга белгиланди. Даҳанаки жанг, ҳақоратлар шунчалар даҳшат билан давом этдики, ҳатто суд ҳам уларни тинчлантиришга имкон топа олмади. Ниҳоят ишни кўриш тўхтатилиб, танаффус эълон қилинди.

Ҳақоратлар энди кўчага кўчди. Ака-ука Ҳусан ва Зарип Ҳайитовлар ўзларини сира жиловлай олишолмади. Тор кўча сари югуриб, собиқ янгалари устига ташландилар. Ерга ағанаган Раъно девдек қайноғалари оёқлари остида типирчиларди. Улар одамгарчиликни тамоман унутиб, пичоқларни ишга солдилар. Бечора хотиннинг тиғ урилмаган жойи қолмади. Улар бутунлай ақлдан озишган эди. Ҳатто Зарип янгасини эмас, акасининг сонига тиғ санчиб пичоғи синиб, унинг дастасигина қўлида қолганлигини ҳам ҳис этмади. Улар шунчалар ваҳшийликка бориб етдиларки, бошини жонсиз танадан жудо қилишдан ҳам қайтмадилар.

Икки хонали уй деб Раъно Ражабованинг ёш умри хазон бўлди. Ака-ука Ҳусан ва Зарип Ҳайитовлар панжара остидан жой олишди. Ҳали ҳаёт нималигини тўлиғича тушуниб вояга етмаган Шалола Махматўраева сўнги суянчиғи онасидан ҳам ажралиб бағри хун, кўзи гирён бўлиб етим қолди.

Бундай ақл бовар қилмайдиган эртакмисол воқеаларни эшитиб ёхуд кўзинг билан кўриб ҳайрон қоласан киши. Наҳотки авлодлари, ота-боболари чумолига ҳам озор беришни ор билган эл фарзандлари шунчалар раҳмсиз, бешафқат бўлиб кетсалар. Мол-дунё, уй-жой деб ота-оналари, ака-укалари, сингиллари билан кўз кўрмас бўлиб, ҳатто бир-бирларига тиғ уришдан ҳам ор қилмаётирлар.

**А.РАҲИМОВ,**
**Чироқчи тумани прокуратурасининг терговчиси, биринчи даражали юрист.**
**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**журналист**

ЭЪЛОН

**"Chorsu savdo markazi" очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2004 йилнинг 7 январида соат 16-00 да "Chorsu savdo markazi" ОАЖ биносида ўтказилади. Мажлис қатнашчилари соат 14-00 дан 16-00 гача рўйхатта олинади.**

Кун тартиби:

1. "Chorsu savdo markazi" ОАЖ Кузатув кенгашининг 2003 йилнинг 24 декабридаги 12/24 сонли мажлиси қарорлари муҳокамаси.
2. "Chorsu savdo markazi" ОАЖ Устав жамғармаси ҳажмини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан ошириш тўғрисида.
3. "Chorsu savdo markazi" ОАЖ Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
4. "Chorsu savdo markazi" ОАЖ Бошқаруви раисини тайинлаш.
5. "Chorsu savdo markazi" ОАЖ қўшимча акцияларини муомалага чиқариш ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш тўғрисида.
6. "Chorsu savdo markazi" ОАЖ савдо мажмуаси қошида "Гўзаллик маркази"ни ташкил этиш тўғрисида.
7. Жамиятнинг хизмат белгисини тасдиқлаш.

**Жамият Кузатув Кенгаши**
**Тел: 144-91-32, 144-91-36**

Утерянный диплом №014240 выданный 1994 г. от ТашГТУ на имя Тычинского Алексея Владимировича считать недействительным.

# ХАЙРЛИ ИШЛАР

## ИЛК КУНЛАРДАНОҚ БОШЛАНДИ

**Жиззах вилояти Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими Меҳр ва мурувват йилининг дастлабки кунлариданоқ хайрли ишларни бошлаб юборишди. Мавжуд маҳаллалардаги 387 нафар етим болалар, 85 нафар меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, 11 нафар хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг фарзандларига Президент совғалари топширилди.**

Айни кунларда «Обод маҳалла йили» дастурининг бевосита мантиқий давоми сифатида жорий йилда ҳам амлага ошириладиган ишлар режалаштирилмоқда. Маҳаллалардаги меҳр ва мурувватга муҳтож кишиларни аниқлаб, уларга йил давомида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш учун амалий тадбирлар режаси тузилмоқда.

**Мухбиримиз**

Қувноқ таътиллар



# ҲУСАН ШАРИПОВ ҚОРБОБО БЎЛДИ

**Ҳар йили январь ойининг дастлабки кунларида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласида кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг ўқувчи ёшлари учун янги йил байрам дастурхони ёзилиб, мактаб дарсликлари ва ўқув қуроллари, шунингдек, турли эсдалик совғаларини топшириш анъанага айланган.**

Яқинда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликда мазкур маҳаллада «Маҳалла - меҳр-мурувват ва аҳиллик маскани» мавзуидаги ана шундай тадбирни ўтказди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раиси Қуддус Аъзамов Меҳр ва мурувват йилида муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш юксак инсоний фазилат эканлигини, бу хусусият халқимизнинг азалий одатларидан ҳамда давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг Олим Хўжаев номли маҳаладаги кам таъминланган 130 нафар болаларига саховатпеша тадбиркорларнинг турли совға-саломлари топширилди.

Даврага Қорбобонинг ташриф буюриши, Республика ўқувчилар саройи доирачилар гуруҳининг томошалари ҳамда Олим Хўжаев номли маҳалладаги 241 ва 516-болалар боғчалари тарбияланувчиларининг театрлаштирилган бадиий-мусиқий чиқишлари болакайларга олам-олам завқ улашди.

Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Р.Акрамов, бундай тадбирлар йил мабойнида давом этиш мумкинлигини қайд этди.

**Акрам АКМАЛОВ,**
**Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлими бошлиғи.**
**Ҳаким СОЛИХОВ олган сурат.**

**Суратда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳусан Шарипов Янги йил тантаналарида болаларнинг севимли қаҳрамони — Қорбобо бўлди.**

